



2020 у « 30 » сентябрь

№ Қ-536

« » 20__ г

Қизирик тумани Х.Эшонов массиви ҳудудида фаолият юритаётган “Амонов Содик Шавкатжонович” чорвачилик фермер хўжалигига “Молхона, омборхона, қоровулхона биноси” қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 сентябрдаги 05-02/662-сон йиғилиш баёни, Қизирик тумани ҳокимининг 2020 йил 26 августдаги 01-05/559-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 сентябрдаги 05-02/662-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Қизирик тумани Х.Эшонов массиви ҳудудида фаолият юритаётган “Амонов Содик Шавкатжонович” чорвачилик фермер хўжалигига қишлоқ хўжалик харитасининг 282-дала контуридаги 0,30 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони “Молхона, омборхона, қоровулхона биноси” қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Қизирик тумани ҳокимлиги (И.Юсупов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов